

Судья: С.Усмонов

Маърузачи: Ж.М.Тошпулатова

А Ж Р И М № 4 - 330

2005 йил 12 ноябр

Фаргона шаҳри

Фуқаролик ишлари буйича Фаргона вилоят суди кассация инстанциясида очик суд мажлиси булиб, раислик этувчи Х.М.Нуритдинов, хайъат аъзолари Б.Рахмонов, Х.М.Тошпулатоваларнинг таркибида, Ш. Абдурахимовнинг котиблигига, прокурор М. Абдуллахоновнинг иштирокида, фуқаролик ишлари буйича Узбекистон туманлараро судининг 25.07.2005 йилдаги дъявогар Тожибоева Мұғтабар ва Рузиева Юлдузхонларни жавобгарлари Олтиарик туман молия булими ва Олтиарик туман ИИБ маъмурити милиция ходимлари У.Лутфуллаев, Ш.Махмудов, К.Тошболтаев ва А.Давроновларга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарни. ундириш хакидаги дъявоси буйича фуқаролик иши юзасидан чикарилган хал килув кароридан жавобгар Олтиарик туман молия булимининг норози булиб ёзган кассация тартибидаги шикояти фуқаролик иш хужоатларига кушиб курилганда куйидагилар

А Н И К Л А Н Д И :

Дъявогар М.Тожибоева судга даъво ариза билан мурожаат килиб ва узининг дъявосини кувватлаб, 2003 йил 20 август куни Олтиарик туман прократураси биносини рупарасида инсон хўхуклари химоячилари ва тарафдорлари билан биргаликда пикет утказётган вактида Олтиарик тумани Ҳамза шахарчасида яшовчи фохишалар ва күшмачилар тудаси томонидан пикетчилар аёвсиз калтаклангани, узини эса кийимларини йиртиб ташлаганларини, буни окибатида тан жарохати олиб Маргилон шахар тез тиббий ёрдам булимида ётиб даволангани, тез тиббий ёрдам булимига ёткизилганида тиббиёт ходимлари томонидан ИИБ га криминал хабар берилгани, лекин худуд профилактика нозирдари Шерали Махмудов ва Косим Тошболтаевлар кеч соат 19-00 да шифохонага келгандарни, хамда унга руҳий тазик утказгани, шу сабабли уларни палатадан чиқиб кетишни айтгани, лекин улар «Тожибоева бизни ҳакорат килди» деб хоким Мамадали Тураевни алдаб далолатнома тузгандарни, шундан сунг терговчи У.Лутфуллаев жиноят ишини бир кисмини маъмурий чора куриш учун ажратгани, шундан сунг У.Лутфуллаев ва А.Давронов унга яна тухмат уюштириб эксперт Тохир Толиповдан, Тожибоева мени шаъни ва кадр-кимматимни касдан камситиб, мени хеч кандай сабабсиз ҳакорат килди», деган мазмунда тушунтириш хати олганлари хамда унга нисбатан Узбекистон Республикаси МҚТК нинг 41-моддаси билан маъмурий тартибда чора куришлик масаласини хал этиш учун жиноят ишлари буйича Маргилон шахар судига юборилгани, лекин Тохир Толипов юкоридаги холатлар иотугри эканлиги хакида билдиригি хати ёзиб бергани, жавобгарларни унга нисбатан ноконуний хатти-харакатлари туфайли шаъни кадр киммати ва ишчанлик обрўйига птуртганда, шу сабабли узига маънавий зарар етказилган деб хисоблаб, уни 20.000.000 сум баҳолашни, бундан ташкари турли идораларга мурожаат килиши окибатида 3240 сум моддий заарларини Олтиарик тумани молия булимининг давлат бюджетидан ундириб беришни сураган.

Дъявогар Рузиева Юлдуз судга даъво ариза билан мурожаат килиб ва узини дъявосини кувватлаб, 2004 йил 24 ноябр куни уйига терговчи У.Лутфуллаев боргани. уни «сен Тожибоевага кушилиб хато килибсиз, шу сабабли Тожибоевага билмасдан кушилибман, деб ариза ёзиб беринг»-деб унга айтгани, рози булмаганидан сунг уни ва оиласидагиларни ҳакорат килгани, буни окибатида оила бошлиги Рузиев Мамасобир кон босими ошиши натижасида вафот этгани, шу сабабли курган маънавий зарарни 10.000.000 сум баҳолаб, бу суммани молия булимидан ундириб беришни сураган.

Судда жавобгар К.Тошболтаев ва Ш.Махмудовлар даъво талабларини тан олмай ҳакикатдан хам 20 август 2003 йил куни Олтиарик тумани ИИБга М.Тожибоевани Маргилон шахар тез тиббий ёрдам булимида тан жарохати олганлиги тугрисида хабарнома келганини. бу хабарнома буйича суриштирув ишлари олиб боришлик учун раҳбариятни оғзаки топширигига асосан Маргилон шахар тез тиббий ёрдам булимига борганини, лекин М.Тожибоева тушунтириш хати ёзиб беришдан бош тортиб, ҳакоратлаганини врач Тураев

иштирокида акт далолатнома тузиб хужкатлантирганигини, Тожибоева хакоратли гапларни гапириб хакоратлаганигини курсатган.

Судда жавобгар А.Давронов дъзво талабларини тан олмай, 2003 йил 20 август куни дъзвогар М.Тожибоева Олтиарик туман прократураси олдида пикет уюштириб намоиш утказгани, у ерда туплон булгани, Маргилон шахар тез тиббий ёрдам касалхонасидан келган Тожибоевани олган тан жарохати буйича хабарнома юзасидан бориб суриштирув ишларини олиб борганигини, лекин Тожибоева тушунтириш хати беришдан бош тортиб хакоратли гапларни айтганини, вилоят суд-тиббий экспертиза бюросидан Тохиржон исмли экспертини олиб борганини, лекин бу экспертига норозилик билдириб хакоратлаганини ундан тушунтириш хати ва бошка суриштирув харакатларини ололмаганигини бу хакда далолатнома тузишганини билдирган.

Судда жавобгар вакили З.Шодиев дъзво талабларини тан олмай, 2003 йил 20 август куни Олтиарик туман прократураси олдида М.Тожибоева пикет уюштириб намоиш утказганигини, у ерда аёллар туплон килганини, Тожибоева тан жарохати олиб Маргилон шахар тез тиббий ёрдар касалхонасида даволанганини, уни тан жарохати олганлиги буйича Маргилон шахар ИИБ оркали Олтиарик тумани ИИБ га Тожибоевани тан жарохати буйича хабарнома килганигини, хабарномага асосан суриштирув ишлари олиб боришлик учун Олтиарик туман ИИБ дан милиция ходимлари боришиб ундан тушунтириш хати олмокчи булганида Тожибоева тушунтириш хати ёзib беришдан ва экспертизадан утишдан бош тортиб милиция ходимларини хакорат килганини, М.Тожибоева ва Р.Рузиеваларни дъзвоси асоссиз эканини билдириб, дъзвони рад этишни сураган.

Судда жавобгар У.Лутфуллаев хам дъзво талабларини тан олмай, хакикатдан хам 2003 йил 20 август куни соат 11-00 лар чамасида дъзвогар М.Тожибоева, Рузиева Юлдузхон ва бошка фукаролар Олтиарик тумани прократураси олдида пикет уюштириб намоиш утказаётгандан бир гурӯҳ аёллар билан жанжаллашиб кетиб тан жарохатлари олишганини, ушбу факт юзасидан ЖК нинг 277 моддаси 2 кисми билан дастлаб жиноят иши кузгатилиб тергов харакатларини олиб борганини, сунг уларни характларида жиноят таркиби булмаганилиги сабабли, жиноят ишини тугатиш хакида 29.10.2003 йилда карор чикаргани ва 2003 йил 30 октябр кунги карорига асосан М.Тожибоевани хатти-харакатларида Узбекистон Республикаси МЖТК нинг 41,201 модда 1 кисмida курсатилган маъмурий хукукбўзарлик аломатлари борлиги сабабли жиноят иши ичидан ушбу холат буйича таалукли кисми ажратилиб, Олтиарик туман ИИБга тегишли судлов органига юбориш учун юборганини, натижасидан хабари йуқлигини бундан ташкари Рузиева Юлдузхонни адресини ва шахсини аниклашлик учун уни ахтариб Андижон вилоятига бориб паспорт столидан ахтариб курганини ва уни яшаш жойи Марҳамат туманида эканини топиб, суриштирув тергов ишлари олиб боришлик учун, уни уйига борганини, у ихтиёрий равишда ариза ёзив берганини, унга нисбатан хеч кандай тазик утказмаганини ва маҳбурий тартибда ариза ёздириб олмаганини билдириб, дъзвони рад этишни сураган.

Судда жавобгар вакили З.Фахриддинова дъзво талабларини тан олмай, дъзвогарлар М.Тожибоева ва Ю.Рузиевалар 30.000.000 сум маънавий зарар курдим деб нотугри дъзво килаёттанини, бу асоссиз эканини, чунки бу маънавий зарар микдори жуда куп эканини, бу микдордаги маънавий зарарни молия булими давлат бюджети тутай олмаслигини билдириб, дъзвони рад этишни сураган.

Фукаролик ишлари буйича Узбекистон туманлараро судининг 25.07.2005 йилдаги хал килув карори билан дъзво кисман каноатлантирилиб, жавобгар Олтиарик тумани Молия булимининг давлат бюджетидан дъзвогарлар М.Тожибоева ва Ю.Рузиева фойдасига муштарак тарзда 300.000 сум маънавий ва 3240 сум моддий зарар ундирилган.

Жавобгар Олтиарик тумани Молия булимидан давлат фойдасига 3918 сум давлат божи ундирилган.

Жавобгар Олтиарик туман Молия булимии раҳбари Р.Муминов суднинг хал килув кароридан норози булиб ёзган кассация шикоятида, ФК нинг 985-моддасида Гайриконуний харакат (харакатсизлик) туфайли фукаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар зарарни етказган шахс томонидан тулик хажмда копланиши лозимлиги курсатилган, дъзвогарлар М.Тожибоева ва Ю.Рузиеваларга нисбатан заарларни етказилишига мутассади мансабдор шахсларнинг конунга хилоф яъни хокимият ва хизмат ваколати доирасидан четга

чикиб харакат килғанлардың сабаб булиб хисобланышини, шунинг учун, ФК нинг 991-моддасига биноан зарарни коплаш зарар етказилишида айбор булган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши лозим деб хисоблашыгини, ФК нинг 1021моддасига кура маънавий зарар етказгандик учун жавобгарлигининг келиб чишишига асос булуви шартлардан бирин зарар етказувчининг айби хисобланышини, даъвогарларга нисбатан маънавий зарарларни етказилишида мутассади мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф харакатлар сабаб булган деб хисоблашларини, даъвогарларга етказилган зарарлар суммаси Олтиарик туман молия булимидан томонидан эмас, конун талабларига биноан тегишили мутассади мансабдор шахслар томонидан амалга оширилиши лозим деб хисоблашыгини курсатиб, хал килув карорини узгартириб, зарарни Молия булимидан томонидан эмас, конун талабларига биноан тегишили мутасади мансабдор шахслар томонидан ундиришини амалга оширилиши түгрисида карор кабул килинишини сураган.

Фукаролик ишлари буйича Фаргона вилоят судининг кассация инстанцияси, вилоят судининг судьяси Х.М.Тошпулатованинг иш буйича маърузасини, прокурор М.Абдулжоновнинг хал килув карорини кисман бекор килиш хакидаги фикрини эшитиб, фукаролик иш хужоатларини атрофлича текшириб, куйидаги асосларга кура суднинг хал килув карорини кисман бекор килиб, янги хал килув карори билан даъвогар Рузивани даъвосини рад килишни лозим топади.

Ишноти хужоатлардан аниланишича, даъвогарлар М.Тожибоева 2003 йил 20 август куни соат 11:00 лар чамасида Олтиарик тумани ғрокуратураси биноси рупарасида пикет утказётган вактида бир гурӯх фукаролар М.Отакұлова билан М.Тожибоеваларни кастдан уриб дуппослаб тан жарожати етказган, у фукаролар нисбатан Узбекистон Республикаси МЖТК сининг 52- моддаси 2 -кисми билан маъмурий жавобгарлиқка тортилғанлар.(ишнинг 32-33 бетлари.) Жиноят ишнин тугатиш түгрисидаги карор кабул килинмасдан аввал терговчи У, Лутфуллаев жиноят ишнин бир кисмини маъмурий чора куриш учун ажратиш хакида карор чиқарған, узининг ушбу 30.10.2003 йилдаги карори билан М.Тожибоевани Т.Толиповни хакорат килгани сабабли унга нисбатан МЖТК га асосан тегишили тартибда жукукбузарлик холатини аниклаш учун Олтиарик туман ИИБ га юборишини курсатилған.(ишнинг 20-30 бетлари.). Жиноят ишлари буйича Олтиарик тумант судининг 11.11.2003 йилдаги карори билан М.Тожибоева маъмсурый жавобгарлиқка тортилған.Жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят суди кассация инстанциясининг 2004 йил 2 феврал кунги хал килүү карори билан жиноят ишлари буйича Олтиарик туман судининг М.Тожибоевани маъмурий жавобгарлиқка тортиш хакидаги карори бекор килиниб, М.Тожибоеванинг харакатларида маъмурий жукукбузарлик автоматлари мавжуд булмаганлиги сабабли унга нисбатан маъмурий иш харакатдан тутагилған.

ФК нинг 991-моддасига кура конунга хилоф тарзда хукм этиш, конунга хилоф тарзда жиноий жавобгарлиқка тортиш, эктиёт чораси сифатида камокка олишни ёки муносиб хулк – атворда булиш хакида тилхат олишни конунга хилоф кулланиш, камок тарикасидаги маъмурий жазони конунга хилоф тарзда бериш итижасида фукарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан катын назар, конунда белгиланган тартибда давлат томонидан тула хажмда туланали.

Шу Кодекснинг 1021-моддасига кура маънавий зарар уни етказувчининг айби булган тақдирда,... маънавий зарар уни етказувчининг айбидан катый назар куйидаги холларда копланади, агар, ...зарар фукарога уни конунга хилоф тарзда хукм килиш, конунга хилоф тарзда жиноий жавобгарлиқка тортиш, эктиёт чораси сифатида камокка олишни ёки муносиб хулк атворда булиш хакида тилхат олишни конунга хилоф тарзда кулланиш ва конунга хилоф тарзда ушлаб туриш итижасида етказилған булса, конунда назарда тутигилған бошка холларда.

Юкоридаги холатлардан аникланишича даъвогар М.Тожибоевани маъмурий жавобгарлиқка тортиш хакидаги карори бекор килиниб, унинг харакатларида маъмурий жукукбузарлик автоматлари мавжуд булмаганлиги сабабли унга нисбатан маъмурий иш харакатдан тутагилған булиб, даъвогар М.Тожибоевани конунга хилоф равища жавобгарлиқка тортилиши сиқибатида у моддий ва маънавий зарар курганини суд томонидан аникланиб, унга етказилған заарларни давлатдан яъни Олтиарик тумани Молия булимининг давлат бюджетидан ундириб тугри хулосага келинганд.

ФК нинг 1022-моддасига кура маънавий зарар пул коплашаниши, зарарни коплаш микдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, суд томонидан аникланишини, жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маъмурий зарар етказилган хакикий холатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари хисобга олинган холда суд томонидан Сахоланишини хисобга олган холда 300000 сум деб тугри белгилаган.

Гарчанд шикоят вожларида зарарларни етказилишида мутасадди мансабдор шахсларнинг конунга чилоф харакатлари сабаб булгани сабабли зарарлар Молия булимидан эмас, балки тегишли мутассади мансабдор шахслардан ундиришини суралган булсада, ушбу вожлари юкорида курсатилган конун талабига кура асоссиз ва ФК нинг 991- моддасига кура конунда белгиланган тартибда давлат томонидан тула хажмда туланди.

Лекин суд даъвогар Ю.Рузievани хам даъвосини каноатлантириб, нотугри хулосага келган, чунки у узининг вожида уйига терговчи У.Лутфуллаев бориб, унга «сен Тожибоевага кушилиб, хато килибсиз, шу сабабли Тожибоевага билмасдан кушилибман, деб ариза ёзib беринг» деганида рози булмаганида уни оила аъзолари олдида хакорат килгани, буни окибатида эрини кон босими ошиб, натижада вафот этганини, шу сабабли маънавий зарар курганини курсаттани, уни даъвосини каноатлантириш асос булмайди. Юкорида курсатиб утилганидек маънавий зарар уни етказувчининг айби булган тақдирда, туланди, даъвогар Рузievани уйига терговчи У.Лутфуллаев бориб, ариза ёзib беришни сураб уни хакорат килгани окибатида эрини кон босими кутарилиб, вафот этганини курсатсада, терговчи У, Лутфуллаевни айби бўрлиги юкорида курсатиб утилган конун талаблари асосида яъни Рузievани эрини кон босими кутарилиб вафот этишига терговчи У.Лутфуллаев айбдор деб топилмаган ва жавобгарликка тортилмаган. Бундай холда даъвогар Ю.Рузievани даъвоси асосиздир. Шунинг учун уни даъвоси рад килинмоги лозим.

Хал килув карорини маънавий зарар 300.000 сумни даъвогар М.Тожибоевага ундиришини тугри деб хисоблаб, бу кисмини узгаришсиз колдиришни лозим топади.

Юкоридагиларга асосан, Узбекистон Республикаси ФПК нинг 315, 348-15 моддаларини куллаб, фукаролик ишлари буйича Фаргона вилоят судининг кассация инстанцияси

АЖРИМ КИЛАДИ:

Фукаролик ишлари буйича Узбекистон туманлараро судининг 25.07.2005 йилдаги даъвогар Тожибоева Мұттарбар ва Рузиева Юлдузхонларни жавобгарлари Олтиарик туман молия булимии ва Олтиарик туман ИИБ маъмурияти милиция ходимлари У.Лутфуллаев, Ш.Махмудов, К.Тошболтаев ва А.Давроновларга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш хакидаги даъвоси даъвоси буйича фукаролик иши юзасидан чикарган хал килув карорини, кисман яъни даъвогар Рузиева Юлдузхонни даъвосини каноатлантирилган кисми бекор килиниб, ушбу кисми буйича янги хал килув карори билан даъвогар Рузиева Юлдузхонни жавобгарлари Олтиарик туман молия булимии ва Олтиарик туман ИИБ маъмурияти милиция ходимлари У.Лутфуллаев, Ш.Махмудов, К.Тошболтаев ва А.Давроновларга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарни. ундириш хакидаги даъвоси асоссиз деб тонилиб, рад килинсин. Хал килув карорини колган кисми узгаришсиз колдирилсин. Кассация шикоят кисман каноатлантирилсин.

Раислик этувчи:

имзо

Х.М.Нуритдинов

Хайъат аъзолари:

имзо

Б.Рахмонов

имзо

Х.М.Тошпулатова.

Ажрим нускаси аслига тугри деб,
Вилоят судининг судьяси:

Х.М.Тошпулатова